



Navoiy sh. Islom Karimov 77 A

“30 Ноябрь 2017 у.(г)

г. Навои пр. Ислама Каримова 77 А

№ 15-415

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 28 ноябрдаги “Маҳаллий ижроия
ҳокимияти органларининг инвестиция-
ларни кенг жалб қилиш ва инновация-
ларни жорий этиш борасидаги фаолиятини
такомиллаштириш тўғрисида”ги
ПҚ-3407-сон қарорининг ижросини
таъминлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги
“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар
стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида белгиланган устувор
вазифалар ижросини таъминлаш, худудларни ижтимоий-иктисодий
 rivожлантириш, худудлар иктисодиётiga инвестицияларни кенг жалб қилиш
ва инновацияларни жорий этиш, эркин иктисодий ва кичик саноат зоналари
фаолиятини самарали ташкил этиш ва туризмни ривожлантириш, маҳаллий
ижроия ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш,
ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш
мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги
“Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг инвестиция-ларни кенг жалб
қилиш ва инновация-ларни жорий этиш борасидаги фаолиятини
такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3407-сон қарори ижро учун қабул
қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Навоий вилояти ҳокимининг инвестициялар, инновациялар,
хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иктисодий ва кичик
саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича
ўринбосари;

туманлар ва шахарлар ҳокимларининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари лавозимлари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гурухи (Р.Хайдаров) шаҳар, туман ҳокимлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг янги жорий этилаётган вилоят ҳокими ўринbosари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринbosарлари лавозимига чукур маҳсус билимларга, юқори касбий маҳоратга эга бўлган, тажрибали ва малакали кадрлар билан тўлдириш юзасидан таклиф киритсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринbosарлари (У.Раззоқов, К.Расулов, С.Истамов, Ф.Солиев, Ф.Мусурманов, Н.Содикова), гурух раҳбарлари ва котибият мудирлари ўн беш кун муддатда вилоят ҳокимлиги, вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинмалари тўғрисидаги Низомлар ҳамда вилоят ҳокими, унинг ўринbosарлари бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифалари тақсимотига ўрнатилган тартибда ўзгартиришлар киритилишини таъминласинлар.

5. Вилоят ҳокимлиги ишлар бошқарувчиси (С.Шамшиев) вилоят Молия бош бошқармаси (Д.Очилов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппарати ходимларининг штатлар жадвалларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда ушбу қарорга мувофиқ қайта кўриб чиқсин ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиqlанишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг 2017 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПҚ-3374-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида”ги К-393-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


7. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги К-172-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими




К.Турсунов



**Вилоят ҳокимининг 2017 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентин тўғрисидан 20 йил 22 декабрдаги
“Махаллий ижроия ҳокимияти орнандари фаолиятини янада такомииллаштириш тўғрисидан” ПҚ-2691-сонли қарорига
ижросини таъминлаш хакида”ги К-172-сонли қарорига киритилса да ўзгартириш ва қўшимчалар**


1. 1-илованинг матни куйидаги таҳрида баён этилсин:

**Навоий вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



2. 2-илованинг матни куйидаги таҳрирда баён этилсин.


**Вилоят маркази - Навоий шаҳар хокимлиги бошқарув аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 30 нафар

3. За-иллованинг матни кўйидаги таҳирда баён этилсин.


Зарафшон шахар хокимлиги бошқарув аппарратининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 23 нафар


4. 26-илованинг матни куйидаги таҳрирда баён этилсин.

**УЧКУДУК ТУМАНИ ХОКИММИГИ БОШКАРУВ АППАРАТИНИНГ
ТУЗИЛМАСИ
(1-гоифали)**




5. 2B-ИЛОВАННИГ МАТНИ КҮЙИДАГИ ТАХРИРДА БАЁН ЭТИЛСИН.

**Кармана ва Ҳатирчи туманлари ҳокимлиги бошқарув аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ
(1-гоифали)**




6. 2г-илованинг матни күйидаги таҳрида баён этилсин.

**Кизилтепа тумани хокимлиги бошқарув аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ
(1-гоифали)**



7. 2Д-ИЛОВАННИГ МАТНИ КҮЙИДАГИ ТАХРИДА БАЁН ЭТИЛСИН.

**Конимех, Навбахор, Нурутга ва Томди туманлари хокимлиги бошқарув аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**
(2-тоифали)



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 21-22 нафар
* Томди тумани хокимлигинга тегишли

**Вилоят хокимлиги ташкилий-назорат
гурухи етакчи мутахассиси
М.Каримов**

**Вилоят хокимлиги ташкилий-назорат
гурухи етакчи мутахассиси
У.Дахромов**